

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 67-ҳадис

67 - وَعَنْ عَلَيٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَعُودُ مُسْلِمًا عُدُوًّا إِلَّا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ حَتَّىٰ يُمْسِيَ، وَإِنْ عَادَهُ عَشِيَّةً إِلَّا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ حَتَّىٰ يُصْبِحَ، وَكَانَ لَهُ حَرِيفٌ فِي الْجَنَّةِ». رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ.

«الخريف»: التَّمْرُ الْمَخْرُوفُ، أَيِّ: الْمُجْتَئِ.

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Бирор мусулмон бошқа бир мусулмонни эрталаб кўргани борса, то кеч киргунича етмиш минг фаришта унинг ҳаққига дуода бўлишади. Агар кечқурун кўргани борса, то эрталабгача етмиш минг фаришта унинг ҳаққига дуода бўлишади. Ҳамда бу кишига жаннатда териб, йиғиб қўйилган мева бўлади», деб айтганларини эшитдим.

Ином Термизий ривоятлари.

Шарҳ: Ислом мусулмонларни ўзаро оқибатли, меҳр-мурувватли бўлишга ва яқинлари касал бўлиб, хасталаниб қолса, ҳолидан хабар олишга, зиёрат қилишга чақиради. Чунки, кўнгил сўраб, йўқлаганда bemor кишининг кўнгли кўтарилиши, енгил тортиши, уни кўргани келгани учун хурсанд бўлиб, руҳий ҳаловат топиши бор нарса. Зиёратда унинг дардига шифо сўраш, тасалли айтиш маънолари борлиги учун ҳам, бу амалнинг ажри улкандир. Фаришталар ҳам касал зиёратига борган мусулмоннинг ҳаққига Аллоҳдан барака беришини, бу амали учун жаннат ато қилишини сўраб дуо қиласидилар. Шу сабабди bemorларни зиёрат қилишга, уларни ҳаққига дуо қилиш ва улардан дуо сўрашга тарғиб қилинади. Иншааллоҳ, bemornинг дуоси ижобатдир. Бу ҳақда Набий (с.а.в.) дан кўплаб ҳадислар баён қилганлар. Аллоҳ таоло bemornи зиёрат қилувчининг йўлига етмиш минг фариштани дуо қилиши учун йўллаб қўяди. Охиратда эса, самара ҳосилини жаннатда ато этилади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Беморни зиёрат қилиш инсонпарварликдир. Бир вақтнинг ўзида шаръий бурч ҳамдир.
2. Аллоҳ йўлида биродарини зиёрат қилиш фаришталарнинг дуосига мушарраф қиласди.
3. Бемор ва хасталарни зиёрат қилиш жаннатга кириш сабабларидан биридир.
4. Мусулмон киши нотаниш бўлсада, касал ва bemorlarни зиёрат қиласверади.

Манба: hadis.islom.uz

